

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАМДАМОВ УЛУҒБЕК РЎЗИЕВИЧ

**ОЁҚ ЧУҚУР ВЕНАЛАРИ ТРОМБОЗИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА
АНТИКОАГУЛЯНТ ТЕРАПИЯГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.27– Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳамдамов Улуғбек Рўзиевич

Оёқ чуқур веналари тромбозига чалинган беморларда антикоагулянт терапияга замонавий ёндашувлар..... 3

Хамдамов Улуғбек Рузиевич

Современные подходы к антикоагулянтной терапии у больных с тромбозами глубоких вен нижних конечностей..... 23

Khamdamov Ulugbek Ruziyevich

Modern approaches to anticoagulant therapy in patients with deep vein thrombosis of the lower extremities 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers 46

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАМДАМОВ УЛУҒБЕК РЎЗИЕВИЧ

**ОЁҚ ЧУҚУР ВЕНАЛАРИ ТРОМБОЗИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА
АНТИКОАГУЛЯНТ ТЕРАПИЯГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.27– Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2306 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Абдурахманов Мамур Мустафаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Гулямов Олим Мирзахидович
тиббиёт фанлари доктори

Курбаниязов Зафаржон Бабажанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.В. Склифосовский номидаги тез ёрдам илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кuni тарқатилган.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Оёқ чуқур веналарининг тромбози (ЧВТ) ўткир ҳолат бўлиб, қон айланиш тизимининг энг кенг тарқалган бузилиши ҳисобланади. Ўзбекистон флебологлар ассоциацияси «...экспертларининг маълумотларига кўра, ҳар йили мамлакатимизда 20000 бирламчи оёқ веналарининг тромбози ҳолатлари қайд этилади...»¹. Ҳаётда бевосита таҳдид веноз қон айланишининг тромб билан зарарланиши билан эмас, балки ўпка артерияси тромбоэмболияси билан боғлиқ. Аҳолининг умумий популяциясида оёқ чуқур веналарининг тромбози билан касалланиш ҳар 100 минг кишига 50-160 ҳолатни, ўпка артерияси тромбоэмболиясининг учраш даражаси эса ҳар 100 минг аҳолига 35-40 ҳолатни ташкил қилади.

Жаҳон миқёсида, антикоагулянт терапия оёқ чуқур веналарининг тромбози учун асосий даволаш усули эканлиги ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, бироқ бу ўз навбатида бир қатор хусусиятларга ва мумкин бўлган асоратларга ҳам эга. Беморларни даволашда гепаринтерапия билан бошлаб, кейинчалик К витамини антогонистларига (КВА) ўтказиш кўп вақт давомида “олтин стандарт” сифатида тан олинган. Шу билан бирга антикоагулянтларнинг ушбу варианты салбий хусусиятларга эга, булар препаратнинг дозасини танлаш қийинлиги, дори ва озиқ-овқатлар билан ўзаро таъсири хавфлиликдир. Беморларнинг атиги 23-31% даволаш курсининг давомийлигига ва билвосита антикоагулянтлар билан дозани назорат қилишнинг етарлилигига риоя қилади, бу эса касалликнинг тез-тез такрорланиши ва геморрагик асоратларнинг ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, беморларда оёқ чуқур веналари тромбозини даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон қарорига белгиланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 10-ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада

¹ Муминов Ш.М., Ким Д.Л. Новый оральный антикоагулянт-ривароксабан в лечении больных с тромбозами глубоких вен нижних конечностей // Материалы Международного Научно-практического конференции «Горизонты современной хирургии» (Самарканд, 17-18 декабря 2021г.). – Самарканд, 2021. – С.24-28.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни релаштириш стратегияси тўғрисида» ги фармони

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4887-сон, 2020-йил 12-ноябрдаги “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон, фармонлари тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали” ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган VI. «Тиббиёт ва фармакология».

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оёқ чуқур веналарининг тромбози (ЧВТ) –ўткир патологик ҳолат бўлиб, ўпка артерияси тромбоэмболияси (ЎАТЭ) ёки секин кечадиган сурункали веноз етишмовчилиги каби фетал асоратларга олиб келади. Иккала вариант ҳам юқори кўрсаткичларга яъни ҳаёт сифатининг пасайишига ва узоқ реабилитация даврларига олиб келади (Мўминов Ш.М. ва ҳаммуал., 2020).

Оёқ ЧВТнинг эпидемиологиясини ўрганиш жуда қийин вазифа бўлиб, бу касалликнинг яширин, баъзида асимптоматик клиник кўриниши билан боғлиқ бўлиб, унинг биринчи белгиси шиш, оёқларда оғриқ эмас, балки ўпка артериясининг тромбоэмболияси бўлиши мумкин (Хруслов М.В. ва ҳаммуал.,2020). Веноз тромбоэмболик асоратларни (ВТЭА) ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича кўпгина методик кўрсатмаларга кўра, ҳар йили 80000 патологик ҳолат қайд этилади. Кексаларда оёқ чуқур веналарининг тромбози билан касалланиш ҳар йили 100 000 аҳолига 200 ҳолатгача ошади. Чет эллик тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, ҳар йили 100000 аҳолига 105 дан 160 гача бўлган учраши билан рўйхатга олинади (Alotaibi G. ва ҳаммуал.,2018).

Тромботик зарарланиш ҳолатларининг локализацияси ҳам веноз тромбозининг бевосита ва узоқ муддатли оқибатларига муҳим рол ўйнайди. Чет эллик олимлар ва улар ҳаммуаллифларининг фикрича, тромбоздан кейин ЧВТнинг такрорланиш частотаси зараланишнинг проксимал даражаси билан солиштирилганда пастроқ эканлигини таъкидлайдилар (Glund S. ва ҳаммуал.,2018). Олимлар кузатувнинг дастлабки 3 ойида давом этаётган антикоагуляция фонида 5,5% ретромбозларни, улар орасида 5,1% тақим ости венаси (ТОВ), 5,3% умумий сон венаси (УСВ) ва 11,8% илиофеморал сегментда аниқланган. RIETE реестрига кўра, беморларда касалликнинг биринчи уч ойида оёқлар ЧВТ 2% ни ташкил қилган бўлиб, проксимал зарарланиш 2,7% ни ташкил қилган (Кузнецов М.Р. ва ҳаммуал.,2020).

Барча антикогулянтларнинг асосий ножўя таъсири турли хилдаги геморрагик қон кетишларни келтириб чиқариши мумкин. Кўпгина илмий адабиётларда қон кетиш тезлиги жуда хилма-хилдир. Бу патологик ҳолат рандомизацияланган клиник тадқиқотлар дизайни билан боғлиқ бўлиб, унда асоратларнинг учраш даражаси ҳақиқий клиник амалиётга қараганда паст бўлиши мумкин. Антикоагулянт терапия (АКТ) нинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганиш бўйича адабиётларда қон кетиши катта, муҳим ва

кичик гурухларига бўлинади (Кательницкий И.И. ва ҳаммуал., 2022). Олимларнинг фикрига кўра, АКТ фонида ривожланадиган қон кетиш даражаси йилига 5% ни ташкил этар экан. Олимлар билвосита антикоагулянтларни қабул қилиш қон кетиш хавфини йилига 0,3-0,5% га оширишини таъкидлаб ўтганлар (Асамов Р.Э. ва ҳаммуал.,2021).

Ўзбекистонлик олимлар ва уларнинг ҳаммуаллифларининг таъкидлашича, варфарин терапияси фонида халқаро нормалашган муносабат (ХНМ) тести такрорий веноз тромбоз ривожланиши учун хавф гуруҳини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин (Абдурахманов М.М. ва ҳаммуал.,2021). Хорижий адабиётларда, ХНМ даражаси 2,0дан паст бўлган варфарин терапияси фонида оёқ чуқур веналарининг тромбозининг такрорланиш хавфи терапевтик диапазондагидан 4,5 барабар юқори эканлиги қайд этилган Бироқ, ретромбоз хавфига эга, бу АКТнинг биринчи йилига 7% ни ташкил қилади (Diamantopoulos A. ва ҳаммуал.,2022). Олимлар ривараксабан ва дабигатран этексилат қабул қилган беморларда коагуляция тестларини қиёслаганда у гипокоагуляция таъсирини баҳолаш учун энг фойдали тестлар протромбин ва фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти эканлигини таъкидладилар (Боровский С.П. ва ҳаммуал.,2018). Бундан ташқари, D-димер даражаси 500 мкг/ 1 дан ортиқ бўлган беморларда веноз тромбознинг такрорланиш хавфи кўрсаткичнинг меъёрий қийматига эга бўлган беморларга нисбатан 2,6 барабар ортади .

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, чов бурмасидан юқори бўлмаган ноэмболик хавфсиз тромбозларни амбулатор шароитда даволаш лозим. АКТнинг давомийлиги тромбнинг проксимал чегарасининг локализацияси, ЎАТЭнинг мавжудлиги ва геморрагик асоратлар хавфи билан солиштирганда касалликнинг қайталаниш хавфи нисбати билан белгиланади. Клиник тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, КВА ҳар доим керакли даражадаги антикоагулянтликни таъминламайди, шу учун ХНМ аниқланиб, тавсия этилган даражадан паст бўлади. Аммо шуни унутмаслик керакки, АКТ самарадорлиги нафақат маълум бир дорини танлаш билан, балки беморнинг даволанишга риоя қилиш билан ҳам белгиланади ва антикоагулянтни буюришга индивидуал ёндашувни талаб қилади ва соғлиқни сақлаш тизими учун мақбул режим бўлади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022 DSc 142) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқот мақсади: оёқ чуқур веналарининг тромбози билан оғриган беморларда тромбни реканализация динамикаси ва турли хил антикоагулянт терапия натижаларини дуплекс сканерлаш асосида баҳолашдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

тромбнинг хилпилловчи қисми ҳажмининг ўзгаришини, лизис

динамикасини, тромбнинг фиксация вақтини, антикоагулянт терапия варианты ва давомийлигига қараб ультратовушли дуплекс сканерлаш параметрлари бўйича баҳолаш;

антикоагулянт дориларнинг турли комбинацияларидан фойдаланган ҳолда амбулатор шароитда даволаш даврида хилпилловчи тромбнинг проксимал қисмини реканализация қилишнинг динамик клиник ва ультратовуш натижаларини ўрганиш;

чуқур веналар тромбози билан оғриган беморларда касалликнинг давомийлиги ва антикоагулянт терапия турига қараб даволаш натижаларини баҳолаш учун клиник ва ультратовуш параметрларини аниқлаш;

антикоагулянт терапия билан амбулатор шароитда даволашда мумкин бўлган қайта тромбоз ва геморрагик асоратлар хавфини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида 2018-2021 йиллар давомида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг шошилиш жарроҳлик бўлимида даволанган 120 нафар оёқ чуқур веналари тромбози билан оғриган беморларни ўрганиш натижаларига асосланган.

Тадқиқот предмети бўлиб оёқ чуқур веналари тромбози билан оғриган беморларни текшириш ва турли хил вариант антикоагулянтлар билан даволаш натижалари таҳлили келтирилган.

Тадқиқот усуллари. **Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги текшириш усуллари:** клиник, клиник-лаборатор, инструментал (ультратовуш дуплекс сканерлаш) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротиба антикоагулянт терапиянинг турли хил вариантларининг самарадорлиги дуплекс ультратовуш маълумотлари асосида аниқланган;

беморларда тромбнинг реканализация даражаси тромбнинг проксимал чегарасига ва касалликнинг давомийлигига қараб баҳоланиш натижасида исботланган;

даволанишнинг стационар ва амбулатор босқичларида ультратовушли дуплекс сканерлаш маълумотларига кўра, тромбнинг проксимал қисмини фиксация ва лизис динамикасини ҳисобга олган ҳолда турли антикоагулянт дори воситасининг самарадорлиги асосланган;

бевосита ва билвосита антикоагулянтларнинг асоратлари ва уларнинг тромбнинг қайталаниш даражаси кўрсаткичларига таъсирининг қиёсий таҳлилини ўтказиш асосида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оёқ веналарининг ультратовуш текширувига кўра, тромбнинг хилпилловчи қисмининг узунлигини батафсил кўрсатиш давом этаётган антикоагулянт терапия самарадорлиги юқори бўлганлиги сабабли амалиётга тавсия этилган;

ривароксабан дори воситасини қабул қилган беморларнинг шифохонада бўлиш муддати варфарин терапиясига қараганда камроқ, бу препаратни белгиланган дозада қабул қилиш билан боғлиқлиги аниқланган;

ривароксабан ишончли ва хавфсиз антикоагулянт дори воситаси бўлиб, касалликнинг ўткир босқичида веноз тромбоз билан оғриган беморларда

улардан фойдаланиш ретромбоз ҳолатларининг камайишига олиб келган;

варфарин қабул қилган беморларда ХНМ терапевтик диапазонда бўлган вақт улуши 54% ни ташкил этди, бу эса антикоагулянт терапиянинг ножўя таъсирлари хавфини кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда бир-бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий методлар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бевосита ва билвосита антикоагулянтларнинг самарадорлигини клиник амалиётга қийслаш имконини беради. Ҳар хил турдаги антикоагулянтларда тромб лизис ва реканализация динамикасини баҳолашда ультратовушли дуплекс сканерлашнинг аҳамияти қайд этилган. АКТнинг турли хил схемаларини қабул қилган беморларда дастлабки ва узоқ маълумотлар таҳлили ўтказилди, бунинг асосида беморларнинг ушбу тоифаси учун даволаш самарадорлигини ошириш мумкин. АКТнинг мумкин бўлган асоратлари, жумладан оёқ ЧВТнинг такрорланиши, қон кетиши ва уларнинг даволаш тактикасига таъсири ўрганилганлиги билан изоҳланган;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бевосита қабул қилинадиган антикоагулянтларнинг самарадорлиги тромбларнинг қайта реканализацияси, нохуш ҳодисаларнинг учраш даражаси ва ретромбоз ҳолатларнинг камайганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши. Оёқ чуқур веналари тромбозига чалинган беморларда антикоагулянт терапияга замонавий ёндашувлар асосида:

«Оёқлар чуқур веналари тромбози билан оғриган беморларни даволашда антикоагулянт терапиянинг замонавий жиҳатлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 июльдаги 8н-р/818-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома оёқ чуқур веналари тромбозига чалинган беморларда антикоагулянт терапия самарадорлигини баҳолашга имкон берган;

Оёқ чуқур веналари тромбозига чалинган беморларда антикоагулянт терапияга замонавий ёндашувлари бўйича илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан Бухоро ва Қорақўл тиббиёт бирлашмалари амалиётига жорий этилган, (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 июльдаги 8н-р/818-сон хулосаси). Олинган натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши беморларда оёқ чуқур веналари тромбозининг оғирлик даражасини аниқлаш, шунга кўра аниқ замонавий антикоагулянт давони танлаш натижасида касалхонада даволаниш муддатини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаётига таҳдид солувчи асоратлар улушини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган, улардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журнал, шу жумладан 5 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 124 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Оёқ чуқур веналари тромбозининг замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари (адабиётлар шархи)”** деб номланган биринчи бобида оёқ чуқур веналари тромбози билан оғриган беморларда ушбу патология муаммоларининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва тадқиқотлар ўтказилган, мавжуд диагностика усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари тизимлаштирилган ва касалликларнинг олдини олиш чора тадбирлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, оёқ чуқур веналари тромбози бўлган беморларда АКТ самарадорлиги ва хавфсизлик кўрсаткичларининг таъсири ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан таққосланиши, уларни ўрганиш хирургиянинг долзарб йўналиши эканлиги, шунингдек ушбу муаммоларнинг жиҳатлари кенг ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник ва тадқиқот материаллари, усуллари ҳақида умумий маълумот берилган. Илмий иш 2018-2021 йиллар давомида РШТЎИМ Бухоро филиали шошилиш жарроҳлик бўлимида даволанган 120 нафар оёқ ЧВТ билан оғриган беморларни ўрганиш натижаларини қамраб олган. Барча беморлар консерватив даво олганлар.

Эркалар 69 нафар (57,5%), аёллар 51 нафар (42,5%) ни ташкил этган. Беморлар ёши 19 ёшдан 83 ёшгача бўлиб, ўртача ёш $49,74 \pm 15,05$ ни ташкил этган.

АКТ турига қараб беморлар 3 гуруҳга бўлинган:

1 гуруҳ беморлари ривароксабан дори воситасини бир кунда 15 мг 2

маҳал 3 ҳафта мобайнида, кейин 20 мг 1 маҳал бир кунда қабул қилишган (34 бемор).

2 гуруҳ – паст молекуляр оғирликдаги гепаринлар (ПМОГ) қабул қилишган (эноксапарин натрий дозаси 1 мг/кг) бир кунда 2 маҳал тери остига 8-10 кун, кейин варфарин дозасини танлаб, шифохонага ётқизилган кундан 24-48 соат мобайнида (58 бемор).

3 гуруҳ беморлари –ПМОГ 8-10 кун давомида, сўнгра ривароксабан 15 мг дозада бир кунда 2 маҳал 3 ҳафта мобайнида шифохонага ётқизилган ундан бошлаб буюрилди, кейин 20 мг бир кунда 1 маҳал буюрилган (28 бемор).

Гуруҳларнинг жинси ва ёши, шифокор тавсияларини бажариш даражаси бўйича таққосланиши (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг гуруҳ, жинси ва ёшига қараб тақсимланиши

АКТ вариантлари	Жинси		Ўртача ёши (M±m)
	Эркаклар	Аёллар	
1 гуруҳ Ривароксабан (34 бемор)	61,8%	38,2%	50,32±15,3
2 гуруҳ ПМОГ+Варфарин (58 бемор)	63,8%	36,2%	51,01±14,01
3 гуруҳ ПМОГ+Ривароксабан (28 бемор)	39,2%	60,8%	46,2±16,7

Беморлар мурожаат қилингандан сўнг, барча беморларда умумий қон ва коагулограмма, қоннинг ивиш вақти, креатинин, мочевино, жигар ферментлари (АЛТ, АСТ) аниқланган.

Барча назоратдаги беморларда коагуляция ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлар бўйича аниқланган: ХНМ, АҚТВ, ПТИ, ТВ. Варфарин қабул қилган беморлар учун ХНМ нинг 6 ой давомида терапевтик диапазонда ўтказган вақти Rosendaal F.R. усули бўйича аниқланган.

Натижаларни статистик қайта ишлаш натижалари, статистик маълумотларни қайта ишлаш икки босқичда амалга оширилган:

- 1) статистик таҳлилга тайёргарлик;
- 2) ҳақиқий статистик таҳлил.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар шахсий компьютерда статистик ишланиб, Microsoft Office Excel – 2013 дастурий пакетлари ёрдамида бажаралди. Вариацияланган параметрик ва нопараметрик статистика ўрганилаётган ўртача арифметик кўрсаткични (M) ҳисобга олиб, ўртача квадратик оғишма (σ), стандарт ўртача хатолар (m), ўртача нисбий катталиқ (частота, %) усулларидадан фойдаланилди. Ўртача катталиқлар таққосланганда олинган ўлчамларнинг статистик миқдори Стьюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсия тенглиги (F – Фишер мезони бўйича) аниқланди. Ўзгаришнинг статистик кўрсаткичи учун ишончлилик даражаси $P < 0,05$ дан фойдаланилган.

Ишончлилик даражаси $p < 0,05$ да статистик аҳамиятга эга деб қабул қилинди. Сифатли қийматларнинг статистик аҳамияти χ^2 критерийси ва Z-критерийси (Гланц С, 1998; Авива Петри, Кэролайн Сэбин, 2009) ёрдамида

қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилган:

$$z = (p_1 - p_2) \sqrt{\frac{n_1 \cdot n_2}{p(1-p) \cdot (n_1 + n_2)}}$$

қаерда $p_1 = \mu_1/n_1$ и $p_2 = \mu_2/n_2$ солиштирилган тажриба частоталари ва $p = (\mu_1 + \mu_2)/(n_1 + n_2)$ ҳар икки гуруҳдаги белгининг пайдо бўлишининг ўртача частотаси.

Диссертациянинг «**Оёқ чуқур веналари тромбози бўлган беморларда антикоагулянт терапиянинг турли усуллари самарадорлигини баҳолашда оёқ чуқур веналарининг ультратовуш дуплекс сканерлаш**» деб номланган учинчи боби оёқ веналарининг чуқур тромбози бўлган беморларда антикоагулянт терапиянинг турли усуллари самарадорлигини баҳолашга бағишланган.

Биз 120 нафар беморда оёқлар ЧВТ сабабларини йўлдош касалликларга (юрак етишмовчилиги, онкологик, сурункали ўпка касалликлари) ва хавф омилларига (операциядан кейинги ҳолат, гормонал дориларни қабул қилиш ва бошқаларга) қараб таҳлил қилдик.

Кўпинча оёқ ЧВТ билан оғриган беморларда юрак-қон томир касалликлари мавжуд: юрак ишемик касаллиги – 38,2%; гипертония касаллиги – 33,5%; сурункали юрак етишмовчилиги – 31,2%; Инфарктдан кейинги кардиосклерози – 11,3%; Нафас олиш тизими касалликлари: бронхиал астма – 8,2%; сурункали обструктив ўпка касаллиги – 6,5%. Неврологик касалликлар: ўткир бош мия қон айланишининг бузилиши – 4,1%; анамнезига травматик мия шикастланиши – 1,2%. Сийдик чиқариш тизими касалликлари: ремиссияда пиелонефрит – 2,4%; Сийдик тош касаллиги – 1,8%; простата безининг яхши сифатли гиперплазияси – 0,6%. Шунингдек, қўшма касалликлар орасида: қандли диабет – 11,2%; оёқ артерияларининг сурункали облитерация қилувчи касалликлари – 2,4%; Ошқозон яраси касаллиги кучаймасдан – 1,8%; Рухий бузилишлар – шизофрения – 0,6%. Кузатилган хавф омиллари орасида: сон-чанок бўғимини эндопротезлаш, найсимон суяқларнинг остеосинтези – 17,1%; Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши – 5,3%. Онкологик касалликлар – 3,5%; Анамнезда тери ости венаси тромбофлебити – 2,9%; Посттромботик касаллик – 2,9%. Гормонал дориларни қабул қилиш – 1,8%; антибактериал терапия – 1,8%; семириш – 1,8%.

Шундай қилиб, оёқ ЧВТнинг аксарияти, яъни 62,9% идиопатик характердалиги аниқланди. Бизнинг тадқиқотимизда идиопатик оёқ ЧВТ билан оғриган беморлар камида 6 ой давомида антикоагулянтларни қабул қилишган.

Даволаш тактикасини аниқлаш учун тромбнинг проксимал чегарасининг локализацияси ва табиатини аниқлаш муҳимдир. Касаллик давомийлигининг асосий таркибий қисмларидан бири веноз тромбоз даражасидир. Дистал тромбозда диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича Россия клиник кўрсатмаларига кўра, даволашнинг давомийлиги 3 ой, проксимал тромбозда эса 6 ой (хавф омилларини ҳисобга олмаган ҳолда) бўлиши лозим.

2-жадвал

LET бўйича тадқиқот гуруҳларида ЧВТ локализациясини таснифлаш

LET Таснифи	АКТ Турлари		
	1 гуруҳ Ривароксабан (34 бемор)	2 гуруҳ ПМОГ+ Варфарин (58 бемор)	3 гуруҳ ПМОГ + Ривароксабан (28 бемор)
1 синф	1 (2,9%)	2 (3,4%)	3 (10,7%)
2 синф	8 (23,6%)	23 (39,7%)	10 (35,7%)
3 синф	24(70,6%)	32 (55,2%)	13 (46,5%)
4 синф	1 (2,9%)	1 (1,7%)	2 (7,1%)

LET таснифига кўра, уччала гуруҳда ҳам 3-синф (умумий сон венаси (УСВ) ва ёнбош веналари (ЁВ) тромбози) кўпроқ ҳолатда учрайди, кейин эса 2-синф (тақим ости венаси (ТОВ), юза сон венаси (ЮСВ) ва чуқур сон венаси (ЧСВ) тромбози) ва кам миқдорда 1-синф (болдир веналари тромбози) ва 4-синф (пастки ковак венаси тромбози) учрайди (2-жадвал).

Умумий сон венаси ва ёнбош веналарнинг тромбози оёқ ва соннинг шиши билан тавсифланади, бу эса беморни тиббий ёрдам учун дарҳол даволашга ва кейинчалик касалхонага ётқизишга олиб келади. Бизнинг тадқиқотимизда пастки ковак венаси тромбозининг паст кўрсаткичда бўлиши асосан кекса беморларда кеч тиббий даволаниш ва ушбу тромбознинг олдини олишнинг жарроҳлик усулларининг устунлиги ҳисобига бўлди.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизда, проксимал тромбоз бўлган беморлар камида 6 ой давомида қабул қилдилар. Сурал ва болдир веналарининг тромбози бўлган беморларда АКТ тақим ости венага тарқалмасдан ва хавф омиллари йўқлиги билан 3 ойгача давом эттирилди.

Узунлик ва диаметр динамикасига, хилпилловчи тромбларни мустаҳкамлаш вақтига, реканализация даражасига кўра, ҳаракатнинг самарадорлигини баҳолаш мумкин. Даволаш тактикаси ва беморнинг касалхонада қолиш вақти ушбу кўрсаткичларга боғлиқ. Ривароксабандан фойдаланиш, КВАдан фарқли ўлароқ, коагулограмма кўрсаткичларини кузатишни талаб қилмайди ва унинг самарадорлиги УЗДС позициясидан аниқ баҳолашни керак бўлади.

Ушбу бобда хилпилловчи тромбларни лизис қилиш ва фиксация қилиш натижалари, шунингдек, стационар даволаниш босқичида окклюзив ва девор олди тромбларини реканализация қилиш АКТнинг турли хил вариантлари билан муҳокама қилинади. Бизнинг тадқиқотимизда тромбнинг проксимал қисмининг девор олди ва окклюзион шакллари эркин хилпилловчи қисмга эга бўлмаган барқарор тромблар сифатида тақдим етилган.

3-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида тромбнинг проксимал чегараси

Тромбнинг проксимал қисми табиати	Антикоагулянт терапия тури		
	1 гуруҳ Ривароксабан (n=34)	2 гуруҳ НМГ+Варфарин (n=58)	3 гуруҳ НМГ+Ривароксабан (n=28)
Хилпилловчи	17 (52,1%)	26 (45,2%)	16 (59,2%)
Девор олди	3 (4,2%)	10 (16,4%)	4 (12,4%)
Окклюзион	14 (43,8%)	22 (38,4%)	8 (28,6%)

1-гурухда хилпилловчи тромблари бўлган 17 бемор ва барқарор тромблари бўлган 17 бемор бор эди.(3-жадвал) Қабул қилингандан сўнг, хилпилловчи тромбларининг узунлиги ўртача 24,2 мм, диаметри 9,2 мм, диаметри 7,6 мм, диаметри 2,5 мм (4 – жадвал). 4-5-кунларда 4 (16%) нафар беморда ультратовушнинг салбий динамикаси, тромбнинг узунлиги ва диаметри 29,0 га ошган ва 8,2 мм ($p=0,01$) ва 8,4 мм ($p=0,008$), мос равишда. Барча беморларда тромбнинг хилпилловчи қисмининг узунлиги 40 мм дан ошмаганлиги сабабли, Россия клиник кўрсатмаларига мувофиқ АКТни давом эттиришга имкон берган.

Шу муносабат билан беморлар эноксапарин натрийнинг терапевтик дозасига ўтказилган. 3 нафар беморда тромб хилпилловчи қисмининг фиксацияси 4-5-кунларда қайд этилган. Ушбу беморларга кейинчалик ультратовуш дуплекс сканерлаш текшируви ўтказилган, натижада унда салбий динамика қайд этилмаган.

4-жадвал


Касалхонада 1-гурух беморларида хилпилловчи тромбларининг узунлиги ва диаметри (мм) динамикаси

Ҳажми (n=17)	Касалхонада кузатиш муддати				
	Дастлабки (M±m)	4-5 кун (M±m)	8-10 кун (M±m)	12-14 кун (M±m)	>14 кунлар (M±m)
Узунлиги (мм)	24,2±9,2	14 (84%) ҳолатлар 19,4±14,3*	0±0	0±0	0±0
		3 (16%) ҳолатлар 29,0±10,2*	3 (16%) ҳолатлар 25,3±14,2**		
Диаметри (мм)	7,6±2,5	14 (84%) ҳолатлар 5,6±3,0*	0±0		
		3 (16%) ҳолатлар 8,4±1,3*	3 (16%) ҳолатлар 4,7±2,3*	0±0	0±0

Эслатма: * - тромблар ҳажмининг дастлабки кўрсаткичларидан сезиларли фарқлар ($p<0,05$); ** - сузувчи тромблари ҳажмининг дастлабки кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишончсиздир ($p>0,05$).

8-10-кунларда ПМОГ қабул қилган 3 (16%) беморда тромб учининг узунлиги сезиларли даражада ўзгармади ва ўртача 25,3±4,2 ммни ташкил этган, аммо хилпилловчи тромб диаметрида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар кузатилган, бу 4,7±2,3 ммгача камайган ($p=0,002$). 3 нафар беморда тромбларни фиксация қилиш 12-14 кун ичида қайд этилган (3-жадвал). Салбий ультратовуш динамикасининг сабабини аниқлашда натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 3 нафар (16%) беморда ЧВТ учун 10 кундан ортиқ вақти бор эди ва 14нафар (84%) беморда 10 кун ёки ундан кам вақт бўлган.

Шундай қилиб, 1-гурухда тромбни ҳажмини камайтиришда сезиларли фарқлар 4-5-кунларда кузатилган ва 12-кунга келиб тромб бўлган беморлар йўқ эди. Тромбнинг девор олди ва окклюзив шакллари бўлган 1-гурухдаги 23-нафар беморларда салбий ультратовуш динамикаси аниқланмади, бу ривароксабанти умумий қабул қилинган схема бўйича қабул қилишга имкон берган (1-расм).



1-расм. Даволашнинг стационар босқичида 1 - гуруҳда барқарор ва ҳилпилловчи тромб бўлган беморлар сонининг динамикаси

2-гурухда ҳилпилловчи тромблари бўлган 26 нафар бемор ва барқарор тромблари бўлган 22 нафар бемор бор эди. Бемор келган пайтда, тромбнинг ҳилпилловчи қисмининг узунлиги ва диаметри мос равишда 32,9 га, 9,2 мм га ва 8,3 га, 2,3 мм га тенг бўлган (5-жадвал).

5-жадвал

Касалхонада 2-гурух беморларида ҳилпилловчи қон тромбларининг узунлиги ва диаметри (мм) динамикаси

Ҳажми (n=26)	Касалхонада кузатиш муддати				
	Дастлабки (M±m)	4-5 кун (M±m)	8-10 кун (M±m)	12-14 кун (M±m)	>14 кунлар (M±m)
Узунлиги (мм)	32,9±9,2	32,2±7,2**	23 (87,8%) ҳолатлар 24,4±6,2*	0±0	0±0
			3 (12,2%) ҳолатлар 30,0±5,2**	30,0±5,2**	31,2±6,4**
Диаметри (мм)	8,3±2,3	6,2±2,3*	23(87,8%) ҳолатлар 5,6±2,1*	0±0	0±0
			3 (12,2%) ҳолатлар 3,9±0,6*	3,9±0,6**	3,4±0,4**


Эслатма: * - ҳилпилловчи қон тромблари ҳажмининг дастлабки кўрсаткичларидан сезиларли фарқлар ($p < 0,05$); ** - сузувчи қон тромблари ҳажмининг дастлабки кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишончсиздир ($p > 0,05$).

4-5-кунларда тромбнинг узунлиги ўзгармади ва 32,2 мм ($p>0,05$) ни ташкил этган, аммо диаметри 6,2 мм ($p=0,01$) га камайган. 3 беморда тромбнинг хилпилловчи қисми бу вақтда барқарорлашган: УСВси проксимал чегараси бўлган 2 нафар беморда тромбнинг хилпилловчи қисми ўрганилди ва ЮСВда проксимал чегараси бўлган 2 беморда "ишлайдиган" ЧСВси ва КТОВ си, хилпилловчи қисм "эриётган" тромбнинг окклюзив шаклига ўтган. 8-10 кунда бу беморларда салбий динамика йўқ бўлган.

Кузатиш шартлари

Барқарор тромблар

Хилпилловчи тромблар



2-расм. Даволашнинг стационар босқичида 2-гурухда барқарор ва хилпилловчи тромблари бўлган беморлар сонининг динамикаси

3-гурух беморларида хилпилловчи тромблари бўлган 16 нафар бемор ва барқарор тромблари бўлган 20 нафар бемор бор эди. Қабул қилингандан сўнг, тромбнинг хилпилловчи қисмининг узунлиги $32,8\pm 6,1$ мм, диаметр – $6,6\pm 3,2$ ммни ташкил этган (5-жадвал).

6-жадвал

Касалхонада 3-гурух беморларида хилпилловчи тромбларининг узунлиги ва диаметри (мм) динамикаси

Ҳажми (n=16)	Касалхонада кузатиш муддати				
	Дастлабки (M±m)	4-5 кун (M±m)	8-10 кун (M±m)	12-14 кун (M±m)	>14кунлар (M±m)
Узунлиги(мм)	$32,8\pm 6,1$	$28,1\pm 7,3^*$	$18,9\pm 11,4^*$	0 ± 0	0 ± 0
Диаметри(мм)	$6,6\pm 3,2$	$3,5\pm 1,9^*$	$3,04\pm 0,7^{**}$	0 ± 0	0 ± 0

Эслатма: * - хилпилловчи тромблари ҳажмининг дастлабки кўрсаткичларидан сезиларли фарқлар ($p<0,05$); ** - хилпилловчи тромблари ҳажмининг дастлабки кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишончсиздир ($p>0,05$).

4-куни 8 нафар беморда тромбнинг узунлиги $28,1 \pm 7,3$ ммгача ($p=0,03$) камайди, диаметр эса $3,5 \pm 1,9$ мм ($p=0,04$) гача камайди, тромбнинг учи 5 беморда фиксация қилинган.

8-куни 5 нафар беморда тромб фиксацияси ва 10 беморда тромб лизиси кузатилди. Тромб флотацияси 2 нафар беморда кузатилган, улар орасида асосан узунликнинг пасайиши кузатилган, хилпилловчи қисмининг диаметрида статистик жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар бўлмаган ($18,9 \pm 11,4$ мм ($p=0,004$), диаметр – $3,04 \pm 0,7$ мм ($p>0,05$).

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 1 ва 3 гуруҳлардаги беморларда 8-10-кунларда 2-гуруҳга қараганда анча барқарор тромблар бор (мос равишда 85,4% ва 85,7% ва 76,7%). Бундан ташқари, 12-14-кунларда 1 ва 3-гуруҳларда (100%) ва 2-гуруҳда 93,2% тромбларни тўлиқ барқарорлаштиришга эришилди. Салбий динамика 1-гуруҳда беморларнинг 16 фоизида содир бўлган ва ривароксабани бекор қилишни ва ПМОГни тайинлашни талаб қилган. 2-гуруҳда беморларнинг 12,2 фоизида тромб узунлигини қисқартириш динамикаси бўлмаган ва улар ЎАТЭнинг жарроҳлик профилактикасини ўтказишлари керак эди.


Даволашнинг стационар босқичини сарҳисоб қилсак, шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий АКТга лаборатория назоратини талаб қилмайдиган дорилар киради. Фақат варфаринни қабул қилган беморларда ХНМ даражасини кузатиш керак. Бизнинг тадқиқотимизда ХНМнинг мақсадли қиймати (2,0-3,0) фақат 8-10 кун ичида 71,2% беморларда эришилади, бу яхши кўрсаткичдир. Аммо унинг паст қиймати (гиперкоагуляция) беморларнинг 12,3 фоизида учрайди, бу қон ивишининг кўпайишига олиб келади ва даволаш тактикасини ўзгартиришни талаб қилади. Шунинг учун АКТ самарадорлигининг объектив мезонини УЗДС деб ҳисоблаш мумкин, унинг ёрдамида хилпилловчи қисмининг ҳажмини камайтириш динамикасини ва тромб ҳосил бўлишнинг йўқлигини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг «**Амбулатор даволашда антикоагулянт терапия натижаларини баҳолашда веналарни ультратовушли дуплекс сканерлаш**» деб номланган тўртинчи боби амбулатор даволашда антикоагулянт терапия натижаларини баҳолашга бағишланган.

Реканализацияни таҳлил қилганда, биз тромбнинг проксимал чегараси даражасида томир сегментининг тикланишини баҳоладик, чунки айнан шу зона даволашнинг стационар босқичида, хусусан, хилпилловчи қисмни барқарорлаштиришда катта қизиқиш уйғотади ва окклюзив тромбларнинг хилпилловчи қисмга айланиши мумкин. Яхши ва тўлиқ реканализацияга эга беморлар сони АКТ самарадорлигининг объектив мезонидир. Шунингдек, биз 4 та синфни ўз ичига олган LET таснифига кўра тромбнинг проксимал чегарасининг локализациясига қараб реканализация даражасини баҳоладик: 1 – синф – болдир веналари тромбози; 2-синф– тақим ости венаси, юза ва чуқур сон веналари тромбози; 3 – синф – умумий сон венаси ва ёнбош веналарнинг тромбози; 4-синф-пастки ковак венаси тромбози.

Ушбу маълумотлар барча беморларда тромб реканализацияси частотасининг динамикасини кўрсатади. Оёқ болдир веналари тромбози (1-

синф) билан оғриган беморларни таққослаганда, даволанишнинг 3 ва 6 ойлигида барча беморларда яхши ва тўлиқ реканализация содир бўлиши қайд этилди (мос равишда 33,3% ва 66,7% ҳолларда). Ушбу сегментда реканализациянинг эрта бошланиши веноз оқимининг кичик диаметри ва томирларнинг мушак массасида жойлашиши билан боғлиқ бўлиб, беморнинг эрта фаоллашиши билан мушак-веноз насос ролини ўйнайди. Бу веноз тромбознинг дистал шаклларида 3 ойгача антикоагулянтлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлайди (3-расм).



3-расм. 3 ой давомида даволанишдан кейин болдир веналари реканализацияси


